

## УРГУТ ШАҲРИНИНГ БОШ РЕЖАСИ ҲАҚИДА

Магистрант-БАҲРОНОВ Б.С.; Илмий раҳбар -доц. БАЛГАЕВ А.Б.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Аҳолиси 52 минг кишидан зиёд бўлган Ургут шаҳри Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Самарқанднинг жануби-шарқ томони бўйича 44 км узокликда ва манзарали баланд тоғлар этагида жойлашган шаҳарнинг худуди 1981,5 га ташкил этади.

Шаҳарнинг иморатларини режа асосида қуриш 1990 йилдан бошланиб, шаҳарнинг бош режаси 1988 йили тасдиқланган эди. Ушбу бош режанинг ҳисобий муддати 2005 йил қилиб белгиланган эди.

Юқорида қайд этилган Ургут шаҳрининг тасдиқланган бош режасининг (1988 й.) ҳисобий муддатининг (2005 й.) тугаши ва ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгарганлигини ҳисобга олиб шаҳарнинг янги бош режаси ишлаб чиқилган (“Узшаҳарсозлик”, муаллифлар жамоаси: В.Магдиев, Н.Комаров ва бошқалар, 2005 й.). Бош режа бўйича шаҳар туманнинг маъмурий-хўжалик ва маданий маркази, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш бўйича марказ сифатида ўз мавқеини сақлаб қолади.

Бош режада Ургут шаҳрининг худудий ривожланиши ғарб ва шимоли-ғарб томонга таклиф этилган. Бош режа бўйича биринчи навбатдаги босқичда (2010 й.) шаҳарнинг ҳисобий аҳоли сони – 65,0 минг кишини ва ҳисобий даврда (2020 й.) эса – 75,0 минг кишини ташкил этиш назарда тутилган.


Функционал – шаҳарсозлик жиҳатдан шаҳар худуди 2 та саноат зонаси ва 7 та турар жой туманига бўлиш таклиф қилинган. Ҳар бир турар жой тумани ўзининг хизмат кўрсатиш марказига, умумий фойдаланиш кўкаламзорларига, спорт ва дам олиш объектларига эга бўлади. Шаҳарнинг шимолий саноат зонаси-бу мавжуд бўлиб, унда ривожланаётган енгил саноат, кичик ва ўрта бизнес ўзини намоён этади. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий саноат зонаси – янгизона бўлиб, ушбу зона аҳоли яшаш худудларидан ташқарида жойлашган.

Унда янги саноат объектларини жойлаштириш учун захира майдонлари ҳисобга олинган.

Бош режанинг муаллифлари шаҳарнинг турар жой туманларининг иморатларини бир-икки қават қилиб аралашма ҳолда қуриш билан, яъни шаҳар ва қишлоқ иморатлари алмашмаган ҳолда қурилади. Ургутсой канали қирғоқларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, шаҳар композицион ўқи шакллантирилган. Шаҳар кўкаламзорининг бош элементи сифатида шаҳар парки ҳисобланиб, ушбу парк шаҳарнинг шимолий-ғарбий турар жой тумани таркибидаги янги шаҳар марказида жойлашган. Шаҳарнинг спорт маркази мавжуд стадион асосида ривожлантирилган. Спорт маркази ҳудудининг майдони 7,4 га ўлчамдан 41,5 га ўлчамгача кенгайтирилган. Шаҳарнинг транспорт тизими шаклланган магистрал кўчалар тармоғи таркибий тузилмасини ҳисобга олган ҳолда қурилган. Навоий, Амир Темур, Қоратепа, Рахимов номли шаҳар кўчалари бош таркибий тузилмани ташкил этувчи бўлиб, уларнинг кейинги ривожланиши кўшимча янги кўчалар билан тўлдиришига эришилган. Навоий ва Рахимов номли кўчалар шаҳарнинг бош магистраллари статусини олиб, ушбу кўчалар бўйлаб умумшаҳар маркази объектлари ривожлантирилган. Шаҳарнинг бош режаси лойиҳаси бўйича ҳисобий муддатга шаҳарнинг лойиҳавий чегарасидан ташқарисида, шимол тарафдан айланма магистрал йўл қурилиши таклиф этилган (1-расм).

Қадимги Ургут шаҳри жуда тез ривожланмоқда. Шаҳарнинг марказий магистраллари бўйлаб марказни ташкил қилувчи асосий маъмурий бинолар, маҳалла марказлари, бозор, библиотека, касалхоналар ва кўп тармоқли даволаш масканлари, масжидлар, ҳаммомлар ва савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа объектлар қурилган бўлиб, улар шаҳар марказини шакллантирилган. Қуриш маҳаллий материаллардан бўлган табиий оқ тош, ғишт ва бошқа материаллар асосида олиб борилмоқда. Ёғоч ўймакорлиги, ганч ва халқ-амалий санъатининг бошқа хиллари жамоат биноларида ҳам, турар жой қурилишида ҳам кенг тарқалишини вужудга келтирган.

## РЕКОНСТРУКЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ГОРОДОВ



Архитектурно-градостроительная структура г.Ургут.

## 1-расм. Ургут шаҳрининг архитектура-шаҳарсозлик таркибий тузилмаси

Ургут шаҳрининг янги бош режасини амалга ошириш шаҳарнинг келажакдаги ривожланиш учун кенг имкониятларни яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори
2. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-начало XXI в.в. (традиции и современность).- Изд.ТАСИ, 2007.-303 стр. с илл.